



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021-yil 29 - Iyul

138a -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Шокирова Кумушхон Шухратовнага Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудига “Аҳолига салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш” учун вақтинча енгил конструкцияли бутка ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Шокирова Кумушхон Шухратовнанинг “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудига вақтинча (2,0x2,5) 5,0 квадрат метр ўлчамдаги бутка ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 26 декабрдаги ШЯ-Ш-3633-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2020 йил 31 декабрдаги 506-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Шокирова Кумушхон Шухратовнага “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудига “Аҳолига салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш” учун (2,0x2,5) 5,0 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли буткани вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Шокирова Кумушхон Шухратовнани “Олтинқум” шаҳарчаси ҳудудига вақтинча “Аҳолига салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш” учун (2,0x2,5) 5,0 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли бутка ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Шокирова Кумушхон Шухратовна “Олтинкум” шаҳарчаси ҳудудига “Аҳолига салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш” учун вақтинча (2,0x2,5) 5,0 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли бутка ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев